# КИНО БУ — МАФКУРА

**— дейди «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси раисининг биринчи ўринбосари Маматқул Ҳазратқулов.**

Кино санъати ўзига хос бир олам. Унинг инсонлар онгига таъсири ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Ўзбек киносининг бугунги имкониятлари қандай? Унинг ютуқ ва камчиликлари нимада? Томошабинлар ундан яна нималарни кутиши мумкин? Бизнинг суҳбатимиз ана шу ҳақда.

**— Маматқул ака, ижодкор сифатида мустақиллик даври берган имкониятлар ҳақида нималар дея оласиз? Бу имкониятлар кино санъати мисолида қандай инъикосини топаяпти?**

— Бугунги ўзбек киноси том маънода эркин кинодир. Тўғри, собиқ шўролар замонида ҳам яхши кинолар суратга олинган. Муваффақиятлар қўлга киритилган. Биз буларни инкор этолмаймиз. Лекин улар маълум маънода «марказ»га қарам эди. Уларнинг ҳар бир ҳаракати назорат остида, маълум бир қолипга солинган эди. Буни биргина Абдулла Қодирий қаламига мансуб «Ўтган кунлар» романи асосида суратга олинган фильм мисолида олиб кўрайлик. Фильмда романдаги айрим ўринлар собиқ коммунистик мафкура туфайли тушириб қолдирилган. Мустақиллик туфайли бу фильм қайтадан суратга олинди. Икки қисмдан иборат янги фильм романни асосан қамраб олган. Мана сизга мустақиллик имконияти.

**— Маълумки, кинони суратга олиш уни тарғиб этишдан кўра бирмунча осон. Томошабинлар ичига янада чуқурроқ кириб бориш учун қандай ишлар амалга оширилаяпти?**

— Саволингиз жуда ўринли. Истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ санъатнинг барча турлари қатори кино санъатига ҳам катта эътибор қаратилди. Аммо ўзбек киносининг ҳақиқий тараққиёт даври 1996 йилдан бошланди, десам хато қилмаган бўламан. Айнан шу йилда Президентимизнинг Фармони билан «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси тузилди. Унинг фаолият йўналишлари ва мақсадлари аниқ белгилаб берилди. Бунга кўра, «Ўзбеккино» давлат акционерлик компанияси ҳар йили 6 та бадиий, 30 га яқин ҳужжатли ва бир нечта мультфильмлар ишлаши керак. Бундан ташқари, болалар учун «Зумраша» ҳажвий кино журнали фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилдан бошлаб биз бунга қўшимча равишда «Наштар» ҳажвий видео журналини қайтадан тикладик. Ўтган йиллар давомида қатор фильмлар яратилиб, томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди. Булар сирасига «Буюк Амир Темур», «Воиз», «Отамдан қолган далалар», «Ёлғиз ёдгорим», «Ўтган кунлар», «Севги», «Аёллар салтанати», «Кичкина табиб», «Чимилдиқ», «Қисмат», «Тилсимой — ғаройиб қизалоқ» каби бадиий фильмларни, шунингдек, бир қатор ҳужжатли фильм ва мультфильмларни келтириш мумкин. Буларнинг барчаси алоҳида-алоҳида мавзу. Улар, албатта, бизнинг ва томошабиннинг ютуғи. Нимаики қилмайлик, томошабин учун, халқимизнинг эҳтиёжини қондириш учун қилаяпмиз. Шу мақсадда улар ичига яқинроқ кириб боришга интилаяпмиз. Республикамизнинг барча вилоятларида кино кунлари, ойлари ўтказишга эришдик. Бу анъанага айланиб бормоқда. Учйилдирки, Бухоро вилоятида анъанавий «Ўзбек миллий фильмлари» фестивали ўтказилиб келинмоқда. Бу фестиваль август ойининг биринчи ўн кунлигида бўлиб ўтади. Бундай фестиваллар ишланаётган фильмларнинг тақдимоти, қилаётган ишларимизнинг самараси бўлибгина қолмай, ўзига хос имтиҳон ҳамдир. Фестиваль давомида биз томошабинлар билан учрашамиз. Уларнинг дарди-ўйлари, нималар қизиқтираётгани, қандай фильмлар ёқиши каби саволлар фестиваль давомида ўз ечимини топади. Бундай тадбирлар биз учунгина эмас, балки томошабин учун ҳам жуда-жуда керак. Учрашувлардан шу нарса маълум бўлаяптики, томошабинлар ўзбек миллий фильмларини жуда-жуда соғинган. Учрашувлардан кейин улар илиқ фикрлар билдиришаяпти. Демак, меҳнатимиз зое кетмаяпти экан. Бу эса бизга масъулият юклайди, янада изланишга чорлайди.

**— Ўзбек киносини жаҳон экранларига олиб чиқиш учун қандай ишлар қилинаяпти?**

— Бу борада қиладиган ишларимиз ҳали кўп. Тўғри, ўтган йиллар ичида қатор ютуқларга эришилди. Масалан, «Воиз» фильми Россиянинг Анапа шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кинофестивалда бош совринни қўлга киритди. Яна бир фильмимиз, аниқроғи, «Ўтган кунлар» фильми Гатчина (Россия) шаҳрида ўтган фестивалда ҳайъатнинг махсус соврини билан тақдирланди. Дунёнинг қатор давлатларида «Ўзбек фильмлари» кунлари ўтказилди. Бунга мисол қилиб Лондонда, Ҳиндистонда, Туркманистонда ва бошқа қатор давлатларда ўтган кино кунларини келтириш мумкин. «Булбул» мультфильмимиз Москвада ўтган мультфильмлар Халқаро фестивалида биринчи ўринни эгаллади. Албатта, булар ўзбек киносининг катта ютуғи. Киноҳужжатчиларимиз Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби асосида кўп қисмли ҳужжатли фильм суратга олмоқдалар. Ушбу фильмнинг учинчи қисми Ўзбекистоннинг иқтисодий қудрати ва унинг хорижий давлатлар билан ҳамкорлигига бағишланган. Республикамизнинг барча вилоят ва шаҳарларида ушбу фильмнинг тақдимоти бўлиб ўтди. Яқинда бу фильм Россия телевидениесининг «ТВ-6» каналиорқали намойиш этилди. Шунингдек, бу фильмнинг чет эл давлатларида, хусусан, Германия, Бельгия, Франция, Англия давлатларида ўтган тақдимот маросимлари ғоят эсда қоларли бўлди. Дунёнинг ҳеч қайси мамлакатида кино санъати учун ҳукумат томонидан маблағ ажратилмайди. Ўзбекистон ҳукумати кино санъатини ривожлантириш учун ҳар йили миллионлаб маблағ ажратиб келмоқда. Шу ўринда ўзбек киносининг камчиликлари ҳақида ҳам айтиб ўтишни хоҳлар эдим. Бизда сценарий ёзадиган ижодкорлар озчиликни ташкил этади. Ёш режиссёрлар, операторлар жуда-жуда зарур. Хорижий сармоядорлар билан алоқаларни кенг йўлга қўйиш керак. Замон биздан янада изланишни талаб этаяпти. Техник қурилмаларнинг аксарият қисми эскирган. Шундай бўлса ҳам қўл қовуштириб турганимиз йўқ. Халқимизни хорижнинг жангари, даҳшатли фильмлари таъсиридан сақлаш учун миллий фильмларни кўпроқ яратишга интилаяпмиз. Бизга бир нарса далда беради. Бу — халқнинг ишончи. Энг муҳими, бугунги томошабин кечаги томошабин эмас. Мен бир ижодкор сифатида Ўзбекистоннинг яқин келажакда дунёнинг илғор давлатлари сафидан ўрин олишига ишонаман. Янги асрда юртимиз тараққиётда юқори поғоналарга кўтарилади. Ўшанда ҳам кино санъати инсонларнинг энг севимли ва бебаҳо бойлигига айланиб қолаверади...

■ **Суҳбатдош: Шуҳрат ОРИФ, «Ўзбекистон овози» мухбири**




## ЗАРАР 160 МИЛЛИОН АҚШ ДОЛЛАРИГА ТЕНГ

Молдовада қурғоқчилик оқибатида қишлоқ хўжалик экинларига анча зарар етди. Бош вазир ўринбосари Валерий Косарчукнинг айтишича, кўрилган зарар 2 миллиард лейни (тахминан 160 миллион АҚШ долларига тенг) ташкил қилади.

## ТЕМИР ЙЎЛ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМОТЛАРИ

ХХР темир йўл вазирлиги маълумотига кўра, шу йил январь-май ойларида темир йўли орқали йўловчи ва юк ташиш ҳажми ўтган йилгига нисбатан 6,9 фоиз ошган. Бундан олинган даромад ҳам 8,8 фоиз ошиб, 44,99 миллиард юанни (1 АҚШ доллари 8,2771 юанга тенг) ташкил этди.



Германия университетларида

## РОССИЯГА ТАШРИФ

Россия ҳукумати таклифига биноан, 21 июнь куни Бразилия вице-президенти Марку Масиэла ўзаро ҳамкорлик бўйича Бразилия — Россия қўшма комиссиясининг биринчи мажлисида иштирок этиш учун Москвага келади. М.Масиэланинг Россияга ташрифи чоғида икки мамлакат ўртасида ҳамкорлик алоқаларини ривожлантиришга қаратилган бир неча ҳужжат имзоланиши режалаштирилган.

## ХАЛҚАРО ИҚТИСОДИЙ КЎРГАЗМА

Жазоирда 33-халқаро иқтисодий кўргазма очилди. Унда 36 мамлакатдан 1300 корхона ўз маҳсулотлари билан иштирок этмоқда. Халқаро кўргазмада қишлоқ хўжалик техникаси, маиший техника жиҳозлари, енгил саноат ва бошқа халқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш этилмоқда.

Кўргазма 24 июнга қадар давом этади.

## ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

Украина Президенти Леонид Кучма бошчилигидаги ушбу мамлакатнинг ишбилармонларидан иборат делегация аъзолари амалий ташриф билан Кубага келди. Ташриф давомида Л.Кучма Куба раҳбари Фидел Кастро билан учрашув ўтказади. Унда икки мамлакат ўртасида иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш масалалари юзасидан фикр алмашилади.

Шунингдек, Украина делегацияси Кубанинг йирик иқтисодий иншоотлари ва айни пайтда украиналик болалар даволанаётган «Тарара» даволаш-соғломлаштириш мажмуини бориб кўради.

■ **(ЎзА)**

## ГУЛДАН КИСЛОТА ОЛИНАДИ

Исроилдаги қишлоқ хўжалиги академияси олимлари гул ёғларидан «Омега-3» кислотаси олиш усулини ишлаб чиқдилар. У қондаги ёғ миқдори кўплигидан азоб чекаётган одамлар, шунингдек, юрак касалликларини профилактика қилиш учун зарур.

Қондаги ёғ миқдори камайишига ёрдам берадиган ва атеросклероз профилактикаси учун қўлланиладиган «Омега-3» озуқа кислотасини амалиётда биринчи марта гул ёғларидан катта миқдорда олишга эришилди. Шу тариқа Бейт-дагандаги доривор ўсимликлар соҳаси мутахассиси профессор Зоара Янив раҳбарлик қиладиган Қишлоқ хўжалиги академиясида ўтказилган 5 йиллик тадқиқотлар муваффақиятли якунланди.

— Гап «Матиола» номли ўсимлик ҳақида бормоқда, — дейди профессор Зоара Янив. — У оқ ва пушти, қизил ва тўқ қизил тусда гуллайди ҳамда ажойиб ҳидга эга. Кўп йиллик тадқиқотлар натижасида биз таркибида 60 фоиздан ортиқ миқдорда «балиқ ёғи» номи билан машҳур «Омега-3» кислотаси бўлган гул навини етиштирдик. У қондаги холестерол ва триглицерид пасайиши, юрак хасталикларини профилактика қилиш мақсадида қўлланилади. Бу восита таблетка кўринишида ҳам, ёғ сифатида ҳам сотилиши мумкин, зеро, бунинг фойдаси каттадир».

Матиола Исроилда ўсади ва қишда гуллайди. У табиий суғорилиши ҳамда Қуёш нури билан тўйиниши зарур. Кейинги уч йил ичида бу ўсимликни мамлакат манфаатлари учун кенг миқёсда етиштириш мўлжалланмоқда.

ДОН — РИЗҚ-РЎЗИМИЗ

# БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**Ўзбекистон Республикаси ИИВ ДАН Бош бошқармаси бошлиғи, милиция полковниги Холмат Акбарович ЗОКИРОВ билан суҳбат**

**— Холмат Акбарович, маълумки, мамлакатимизда ғалла ўрим-йиғими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш учун кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳам бу борада бир қатор қарор ва фармойишлар қабул қилди. Хусусан, шу йил 19 майда қабул қилинган 194-сонли қарор бу борадаги ишларни янада такомиллаштириш чора-тадбирларини белгилаб берди. Шу қарор ижроси бўйича Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапириб ўтсангиз.**

— Ғалла ризқ-рўзимиз эканлиги, уни нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга барчамиз бирдек масъул эканлигимиз ҳақида ошиқча гапирмасак ҳам бўлади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «2000 йилги бошоқли дон экинлари ҳосилини ўз вақтида йиғиштириб олишни уюшқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида»ги қарор кундалик амалга ошираётган ишларимизга асос бўлди. Ушбу қарор қабул қилингунга қадар ҳам Ички ишлар вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъмиртаъминот» давлат-кооператив қўмитаси ходимларидан иборат гуруҳлар тузилиб вилоятларга хизмат сафарига юборилган эди. Бу хизмат сафари давомида ходимларимиз томонидан хўжаликларда ғалла ташувчи техникаларнинг шайлиги, у ерларда ҳаракатланиш хавфсизлиги муаммолари қандай ҳал этилаётганлиги ўрганиб чиқилди.

**— Текширувлар вақтида фақаттина техникаларнинг тайёргарлиги билан боғлиқ муаммолар эмас, балки бошқа бир қатор масалалар ҳам кўриб чиқилган бўлса керак. Шулар ҳақида ҳам гапириб ўтсангиз.**

— Албатта, мавсумни муваффақиятли ўтказишнинг яна бир қатор бошқа омиллари ҳам борки, Давлат автомобиль назорати ходимлари уларни ҳам назардан четда қолдирганлари йўқ. Жумладан, ўтказилган икки текширув даврида ғалла майдонларига олиб борувчи, дон ташилиши кўзда тутилган хўжалик ички йўллари ҳам текшириб чиқилди. Чунки носоз йўл ҳам ғалла нобудгарчилигига сабаб бўлади. Бу борада ҳам бир қатор муаммолар текширувлар вақтида аниқланди ва уларни зудлик билан бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди. Масалан, ҳаракатни тартибга солишда етишмаётган 651 та йўл белгиси ўрнатилди, 785 та эскиси алмаштирилди. 6089 метр масофага муҳофазаловчи тўсиқлар ўрнатилди. 82 та кўприк ва сув қувурлари ўтувчи жойлар тўсиқлар билан таъминланди ва 56874 погонметр йўлнинг қатнов қисмида таъмирлаш ишлари бажарилди.

Бу ишларни бажариш билан бирга шу соҳада камчиликларга йўл қўйган, яъни йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ишига совуққонлик билан қараган хўжаликлар ҳам аниқланди. Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманидаги «Гулистон», Олот туманидаги «Шарқ юлдузи», Қоракўл туманидаги «Зарафшон», Шофиркон туманидаги «Шофиркон» жамоа хўжаликларини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Давлат автомобиль назорати ходимларининг асосий вазифаларидан бири бўлган ҳаракатланиш хавфсизлиги ҳақида гапирар эканмиз, одам ташиш билан боғлиқ муаммоларга алоҳида тўхталиб ўтиш лозим. Текширувлар жараёнида ходимларимиз мослаштирилмаган юк автомобиллари, трактор ва тиркамаларда одам ташилишини қатъиян ман этиш чора-тадбирларини кўришяпти. Бу ҳақда ҳайдовчи ва механизаторлар билан кенг кўламдаги тушунтириш ишлари олиб борилипти. Автотрактор паркларида Давлат автомобиль назорати ходимлари тез-тез йўриқномалар ўтказиб турицибди. Ҳайдовчидан тортиб то хўжалик раҳбарларигача бу ҳақда огоҳлантирилиб, уларга эслатмалар берилмоқда. Бундан ташқари, ўрим бўлаётган ғаллазорларда, дон тўкиладиган хирмонларда, дон қабул қилиш ва сақлаш корхоналарида, ушбу корхоналарга олиб борадиган йўлларда кечаю-кундуз фаолият кўрсатадиган назорат постлари ташкил этилди. Албатта, бу ишга кенг жамоатчилик вакиллари ҳам жалб этилади.

**— Қишлоқ хўжалик техникалари билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари ҳақида ҳам тўхталсангиз.**

— Баъзи раҳбар ва мутасадди ходимлар қишлоқ хўжалик техникаларидан, хусусан, комбайнлардан фойдаланишни назорат қилиб бориш ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйишган. Бу эса турли қоидабузарликларни келтириб чиқармоқда. Шу ўринда айрим мисолларни келтириб ўтаман. Текширув давомида биргина Сирдарё вилоятида қишлоқ хўжалик техникасини маст ҳолда бошқариш бўйича 11 та, техник носоз транспортни бошқариш бўйича 35 та ҳолат аниқланди.

Шунингдек, Қашқадарё вилоятининг Нишон тумани У. Юсупов номли жамоа хўжалигининг тракторчиси Г. Раҳимов шу йилнинг 7 май куни ўзига бириктирилган «МТЗ-80» русумли, давлат рақам белгиси 48-23 ЕХ бўлган тракторни, шу жамоа хўжалиги тракторчиси Ж. Нурматов ўзига бириктирилган «Т-28 Х 4» русумли, давлат рақам белгиси бўлмаган тракторни маст ҳолда бошқариб юришганлиги аниқланди. Бу ушбу хўжаликларда ҳаракатланиш хавфсизлиги масаласига иккинчи даражали иш деб қаралаётганлигини кўрсатади.

Ҳолбуки, шу йилнинг ўтган даври мобайнида тракторлар иштирокида республика бўйича 47та йўл-транспорт ҳодисаси юз бериб, уларда 10 киши ҳалок бўлди ва 47 киши турли даражада тан жароҳати олди.

Шунинг учун, биз мавсум давомида фаолиятимизни янада кучайтирамиз.

**— Холмат Акбарович, ўйлаймизки, кўрилаётган бу чора-тадбирлар ўзининг ижобий самарасини беради.**

— Ҳа, албатта. Бизнинг ниятимиз ҳам шундай. Мана шу мақсадни амалга ошириш учун яна қўшимча бир қатор тадбирлар белгиланган. Умуман олганда, шуни айтиб ўтмоқчиманки, ғалла ўрим-йиғими даврида ҳосилнинг нес-нобуд ва талон-торож қилинишининг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш, ёнғин ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишига барчамиз бирдек масъулмиз.

■ **Суҳбатдош: Мансур РИХСИЕВ**

ҚОРА ҚИЛМИШ

# ҚАРИБ ҚУЙИЛМАГАН «ОШИҚ»ЛАР

Баъзи бировлар ўз нафсларининг ўпқонига ўзлари тушиб, турли бемаъниликлардан тортиб, ваҳшийлик қилишгача борадилар. Ақл-ҳушларини ҳайвоний ҳирсларини қондиришга алмаштирадилар, бу йўлда жиноят ҳам содир этадилар. Уларнинг бу қилмишларини на қонун, на ҳаёт ва на инсонийликда оқлаб бўлади.

Самарқандда қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган фожиа содир бўлди. Етмиш ёшларга яқинлашиб қолган Н. Қаюмов (исми ва фамилиясини ўзгартириб ёзаяпмиз) эрталаб дўконга сутга чиқди. Егулик учун керакли нарсаларни харид қилди-ю, тезда орқасига қайтди. Бир неча қадам юриб эски таниши, бир неча йилдан буён донлашиб юрган Л. М.га кўзи тушиб қалби қуёшдек ёришиб кетди. Кекса ошиқ маъшуқасини уйига таклиф қилди. Хонадонида ҳамма нарса муҳайё эканлигини ва ҳозиргина дўкондан ҳам егулик харид қилганлигини уқтирди.

Аёл иши кўплигини айтиб, ўйнашининг илтифотини рад этди. Қариб қуйилмаган чол эса машуқасининг бу хатти-ҳаракатига бир ижирғанди-ю, сир бой бермасдан кампирнинг кечқурун келишига ризолигини олди.

Н. Қаюмов кексайган бўлса-да, ҳали бақувват эди. Уйдаги барча юмушларни ўзи бажарар, уй қуриш, сувоқлаш ва дурадгорлик, қўйингки, қўлидан келмайдиган ишнинг ўзи йўқдек... Ўлгудек ўжар ва қайсар бу чолнинг қалбида заррача меҳр-шафқат йўқлигини қўни-қўшнилар ҳам яхши билишарди. Икки маротаба уйланиб хотинлари билан ўзига хос «хислат»лари учун ажрашганлигини, фарзандлари эса отасининг «бебурдлиги» учун ундан юз ўгирганликлари ҳам ҳеч кимга сир эмасди.

... Шу куни Н. Қаюмов Л.М.ни кута-кута ширин уйқуга кетди. Дастурхондаги газаклар ҳам ўз ўрнида қолди. Вақт алламаҳал бўлгач, ўрнидан туриб: «Бу занғардан ҳали ҳам дарак йўқ», — дея сўкиниб қўйди. Бироз вақт ўтгач, эшик очилиб, қўлида ароқ билан жононаси кириб келди, ярим тунгача базму жамшид қилишди ва қайта-қайта қадаҳлар уриштирилди. Ароқ кайфидан сармаст бўлган чол кампирга тегажоқлик қила бошлади. Кампир эса «любовниги»га қатъий рад жавобини берди. Унинг ишқий майллигини қайтарди. Уринишларидан натижа чиқмагач, бадфеъл чолнинг аччиғи чиқди ва тутоқиб кетди. Ёнида турган ҳассаси билан аёлнинг дуч келган жойига ура бошлади. Л. М. эса таёқ зарбидан дод дер, зор қақшарди. Шунга қарамасдан ҳасса зарби унинг боши, юзи, қорни ва оёқларига тинмай тушаверди. Бир оздан кейин аёл тинчиб қолди. Шундан сўнг, Қаюмов дам олиш учун ичкарига кириб кетди. Чошгоҳгача донг қотиб ухлади.

Борлиқни нурга буркаб тонг отди. Уйқули кўзларини уқалаб чол ҳам ўрнидан турди. Лекин ёнида кампир йўқ эди. Ҳайрон қолди. Тунда у билан ичгани ёдига келди. Боши кечаги ароқ таъсиридан зирқираб оғрир, кўнгли айнирди. У тезда қўшни хонага ўтди. Хонада эса юзтубан қонга беланиб «маъшуқа»си ётарди. Бу ҳолатни кўрган чол сира ўзини йўқотмади. Совиб қолган жасадни кўтариб, ваннахонага олиб кирди. Таёқ зарбидан маматалоқ бўлиб, қонга бўялган кампирнинг жасадини ювиб, тозалади ва кийинтириб хонасига олиб келиб ётқизди. У хонада ёлғиз уёқдан бу ёққа юриб кўп ўйлади. Чиркин хаёлларини бир жойга тўплаб, телефон ёнига келиб гўшакни қўлига олди-да, аёлнинг уйига қўнғироқ қилиб ўғилларига: «Оналаринг менинг уйимда ўлиб қолди», — деган гапни айтди. Фарзандлар эса: «Бизга эмас, милицияга қўнғироқ қил», — дея жавоб қайтаришди.

Самарқанд шаҳар ички ишлар бўлинмаси 8-шаҳар бўлими милиция ходимлари кексайганда йигитликни қўмсаб қолган, иймонини йўқотган Н. Қаюмовнинг қилмишларига нуқта қўйди. Энди «ишқий лаззат» учун жиноятга қўл урган чолнинг темир панжара ортида узоқ йиллар ўтириши аниқ.

■ **Меҳри АБДУРАҲИМОВА, Самарқанд вилояти ИИБ матбуот гуруҳининг йўриқчиси. Лутфулла МАМАСОЛИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**





*Чиноз шаҳрида истиқомат қилувчи Достон Султонов ўзбек миллий ҳунармандчилиги билан шуғулланиб келади. У яратаётган бешиклар, болалар кароватлари ва шу каби уй-жиҳоз буюмлари кўпчиликка манзур бўлмоқда. Ҳатто, Достон Султонов «Ташаббус — 2000» танловида туман миқёсидаги ғолибликка ҳам сазовор бўлган. Ҳозирда Д. Султонов кўплаб шогирдлар тарбияламоқда.*

**Суратларда: 1. Уста Достон Султонов ўзи ясаган ёғочга ўймакорлик билан безатилган тошойна олдида. 2. Шогирди Дилмурод устозидан ҳунармандчиликнинг сир-асрорларини ўрганмоқда.**

■ **Равил ШАМСУТДИНОВ олган суратлар.**

## ДАРСЛИК ИНТЕРНЕТДАН ОЛИНАДИ

Бухородаги 43 та касб-ҳунар ўқув юртида эндиликда электрон почта воситасида жаҳон интернет тармоғига уланиш имконияти юзага келди. Вилоят ҳокимлиги, ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармаси бу ишга салкам бир ярим миллион сўм сарфлаб ўз тасарруфида бўлган ўқув юртларидаги компьютерларни замонавий моделлар орқали интернетга улади.

Бундан ташқари, вилоят ўрта махсус касб-ҳунар таълими тизимида дарслик, қўлланмаларнинг электрон кутубхонасини яратишга ҳам киришилди. Бу иш ниҳоясига етгач, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари ўқитувчи, муҳандислари ўз иш жойларидан туриб, дарсликлар матнини компьютер мониторида ўқийдилар. Электрон кутубхона ҳамма учун баб-баравар хизмат қилаверади.

■ **Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

## ГУЛГУН ЧЕҲРАЛАР ҚУВОНЧИ

Навоий вилоят ҳокимлиги, халқ таълими бошқармаси, ижтимоий таъминот бошқармаси ҳамда «Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамкорликда «Соғлом авлод йили»га бағишлаб «Болалар санъати фестивали»ни уюштирдилар, деб хабар қилади **мухбиримиз Ўткир Пўлатов.** — Мингга яқин болалар ранг-баранг либосларда қўлларига байроқчалар тутиб «Фарҳод» маданият саройида тўпланганлар олдида концерт қўйишди. Болаларга «Навоийгўштсут» маҳсулотлари корхонаси музқаймоқ тарқатган бўлса, тоғ-металлургия комбинати, «Навоийазот» бирлашмаси, «Қизилқум-цемент» ҳиссадорлик жамияти каби корхоналар ҳар бири ўйинчоқ-совғалар улашишди. «Меҳрибонлик уйи»нинг юз нафар тарбияланувчисига 1 миллион 900 минг сўмлик кийим-бош инъом этилди. Юз нафар боланинг ҳар бирига омонат дафтарчалари очилиб, минг сўмдан пул қўйилди.

